

## Такрорий ипак курти боқиш усулида пилла етиштириш ва уларни қайта ишлов бериш жараёнларига тайёрлаш

Ниязалиева Мухайё Махмудовна

Ферганский государственный технический университет, доцент  
muxayu\_makhmudovna@mail.ru, тел .: +998 (90) 272 72 71

**Аннотация:** ушбу мақолада такрорий ипак курти боқиш усулида пилла етиштириш ва уларни қайта ишлов бериш жараёнларига тайёрлашга оид, олинган натижалар қайд этилганлиги ва уларнинг таҳлиллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** хом ипак, маҳсулот, ишлаб чиқариш, хомашё, техника, технология

**Аннотация:** В данной статье приведены результаты полученных от испытаний и их анализ, связанные с выращиванием коконов методом повторного кормления шелкопряда и их подготовкой к переработке.

**Ключевые слова:** Шелк-сырец, продукция, производство, сырье, техника, технология

**Annotation:** This article presents the results of the tests and their analysis related to the cultivation of cocoons by the method of repeated feeding of silkworms and their preparation for processing.

**Key words:** Raw silk, products, production, raw materials, equipment, technology.

Жаҳон ипакчилик амалиётида тут ипак курти пилласини етиштиришнинг такрорий боқув усули кенг қўлланилмоқда. Бизнинг Республикамизда ҳам йилига тўрт марта такрорий боқув усулига ўтилган. Ўзбекистон табиий толалар илимий тадқиқот институтида йилига беш марта ипак курти боқилади. Бунда институт олимлари томонидан яратилган янги агротехнология ва кўп каватли курт парваришlash инновацион сўкичакларидан фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзида ипак куртининг янги нав ва дурагайлари боқиш орқали, улардан етиштирилган пиллаларнинг технологик ва сифат кўрсаткичлари ҳам синовдан ўтказилади. Энг мақбул

кўрсаткичли нав ва дурагайлар фермер хўжаликларида боқиш учун тавсия этилади, шунингдек, улардан етиштирилган пиллаларни чувиш параметрлари ҳам ишлаб чиқилади. Қуйида институтнинг тажриба қуртхонасида баҳор мавсумида боқилган “Ипакчи 2” дурагайининг тажриба намуналарини боқиш, уларни пилла чувиш автоматларида чувиш учун тайёрлаш, пилла чувиш тезликларини ва бошқа чувиш параметрларига аниқликлар киритиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Етиштирилган пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари пиллаларни доналаб чувиш усулида УзНИИШП тизимидаги ЛК русумли лаборатория дастгоҳида аниқланди.

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтининг тажриба қуртхонасида “Ипакчи 2” дурагайи ипак қурти уруғидан институтнинг янги агротехнологияси асосида 143,7 кг тирик пилла етиштирилди ва бу пиллалар институтнинг шаҳодатланган синов лабораториясида сараланди. Пиллаларни саралаш вақтида улардан 8,7 % (ёки 12,5 кг) ностандарт, чувиш учун яроқсиз пиллалар ажратиб олинди. Шунингдек, фермер хўжалигида анъанавий агротехнология бўйича “Ипакчи 2” дурагайи ипак қурти уруғидан етиштирилган 46,5 кг тирик пилла намуналари ҳам саралашдан ўтказилди ва улардан 16,3 % (ёки 7,57 кг) ностандарт пиллалар ажратиб олинди. Институтнинг синов лабораториясида тирик пиллалар ўлчамлари ва пилла қобиғининг қаттиклиги бўйича калибрланди, ҳамда амалдаги стандартлар бўйича уларнинг технологик кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Пиллаларни технологик кўрсаткичлари уларни УзНИИШП тизимидаги ЛК русумли пиллаларни доналаб чувиш лаборатория дастгоҳларида, доналаб чувиш усулида аниқланди. Тажриба ва назорат тирик пиллаларининг баъзи технологик кўрсаткичлари 1- жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

**Тажриба ва назорат вариантлари, тирик пиллаларининг баъзи бир технологик кўрсаткичлари**

т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Тирик пиллалар вариантлари	
		Тажриба	Нazorat



1	Синовга олинган пиллаларнинг умумий вазни, <i>кг</i>	143,70	46,50
2	Навли пиллаларни чиқиши, %	91,30	83,70
3	Пилла чувиш автоматада чувиш учун тайёрланган навли пиллаларнинг умумий вазни, <i>кг</i>	131,20	38,93
4	Бир дона пилланинг ўртача вазни, <i>г</i>	1,375	1,363
5	Бир дона пилланинг қобиғини ўртача вазни, <i>г</i>	0,332	0,310
6	Бир дона пилланинг ғумбагини ўртача вазни, <i>г</i>	1,040	1,050
7	Пиллаларнинг калибри, %: майда (14-15 <i>мм</i> ) ўртача (16-19 <i>мм</i> ) йирик (20-22 <i>мм</i> )	8,93 87,52 3,55	9,89 77,75 12,36
8	Пиллаларнинг ўртача ипакчанлиги, %	23,90	22,05
9	Пилла ипининг ўртача чизиқли зичлиги, <i>текс</i>	0,270	0,275
10	Пилла ипининг узулуксиз чувилиш узунлиги, <i>м</i>	875,0	805,0
11	Пилла ипининг умумий узунлиги, <i>м</i>	965,0	950,0
12	Пилла қобиғининг чувишчанлиги, %	88,96	86,12
13	Ипакнинг чиқиши, %	22,25	19,75
14	Пилланинг солиштирма сарфи, <i>кг/кг</i>	4,49	5,06

1-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларини таҳлили шуни кўрсатадики, синовга олинган пилла тажриба варианты пиллалари назорат варианты пиллаларига қараганда анча яхши технологик кўрсаткичларга эга. Аммо, назорат варианты пиллалари ҳам жуда яхши технологик кўрсаткичларга эга, фақат ностандарт пиллаларни чиқиши стандарт талабларидан анча юқори бўлиб, бу қурт боқиш агротехникаси билан узвий боғлиқ. Пиллаларнинг калибрлари ичида иккала вариант бўйича ҳам асосий етакчи ўринни ўртача калибри (87,52 ва 77,75 %) пиллалар эгаллаб турибди. Пилла ипининг узулуксиз чувилиш (875,0 ва 805,0 *м.*) ва умумий узунликлари (965,0 ва 950,0 *м.*), пилланинг солиштирма сарфи (4,49 ва 5,06 *кг/кг*) ҳам хориж пиллаларидан қолишмайди. Бу кўрсаткичлар албатта лаборатория шароитида олинган, улар ишлаб чиқаришда олинадиган кўрсаткичлардан анча фарқ қилиши мумкин,



лекин бу кўрсаткичлар бизга ушбу пилла партияларидан олинadиган маҳсулотларнинг кўрсаткичларини оширишга эришиш имкониятини беради.

Пиллаларни саралаш ва калибрлаш жараёнларидан кейин, навли пиллалар аралашмаси сақлаш учун, махсус совиткичларга жойланади. Тирик пиллалар аралашмаси махсус совиткичларда тирик пилла сақлашнинг оптимал ҳарорати бўлган +4 °C ҳароратда сақланади.

Сифатли маҳсулот олиш омилларига сифатли хомашё, самарали ишловчи техник воситалар ҳамда юқори кўникмага эга ишчилар киради. Юқоридаги масаланинг ечими сифатида ипакчилик соҳасида олиб борилаётган мазкур илмий тадқиқот ишларини оммалаштириш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ниязалиева М.М. ва бошқ. – Баҳор, ёз ва куз мавсумларида етиштирилган курук пиллаларни сақлаш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш /М.М.Ниязалиева, М.Мирзахонов //2021 йил 22-23 апрелда ўтказилган “Пахта, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари сифатини таъминлашнинг замонавий концепциялари” халқаро илмий-амалий конференция мақолалари тўплами, 2-том, Наманган, НамМТИ, 2021, 73-76 с.

2. Ниязалиева М.М. ва бошқ. – Турли мавсумларда парваришланadиган ипак қуртидан ҳосил олиш имкониятларини ошириш омиллари /М.М.Ниязалиева, М.М.Мирзахонов//2021 йил 10 майда ўтказилган “Ўзбекистонда пиллачиликни ривожлантиришнинг истиқболлари ва инновацион технологияларни жорий этиш” Республика илмий-амалий анжумани тўплами, Тошкент, ТДАУ, 2021, 184-187 с.


3. Ниязалиева М.М. ва бошқ. – Такрорий боқувдан олинган тирик пиллаларни миқдори ва чувиш жараёнини такомиллаштириш /М.М.Ниязалиева, М.Мирзахонов, У.О.Ахунбабаев//Фарғона, ФерПИ Илмий-техника журнали, 2021, 25-том, № 6, 259-263 с.

4. Niyazalieva M.M., Mirzakhonov M., Axunbabaev U.O. – Improvement of the recycling process cocoons received from the repeat feeding. Journal of Hunan University (Natural Sciences). Vol. 48. No. 12. Dekember 2021. 1530-1536

5. Niyazalieva M.M., Mirzakhonov M. – The importance of improving technological processes for storage and processing of dry cocoons grown in

differentseasons. International Engineering Journal For Research & Development.  
Vol. 6 Lssue 3. Sjif: 7. 169

6. Ниязалиева М.М. и др. – Производство шелка-сырца из живых коконов, выращенных способом повторной выкормки/М.М.Ниязалиева, Ш.Д.Дадажонов, О.А.Ахунбабаев, У.О.Ахунбабаев//Международная научная конференция, «посвященная 135 летию со дня рождения профессора В.Е.Зотикова» РГУ им.А.Н.Косыгина, Москва, 2022, стр.91-95



Research Science and  
Innovation House

